Наврўз яқин



# Ҳамма унга муштоқ

Ҳадемай тоғларда, қирларда, боғларда Наврўз насими кеза бошлайди. Одамлар қалби баҳорий илиқлик, наҳорий тиниқликка лиммо-лим тўлади. Бундай шукуҳли дамлар ҳамма-ҳаммани яшаришу яратишга, ишчанлигу тадбиркорликка ундайди.

Ҳа, Наврўзимиз яқин. Уни интиқиб, энтикиб, бир олам эзгу нияту қувонч билан кутаяпмиз. Ҳали қори эримаган қирларда бойчечак бўй кўрсатди. Яйловларда қўзичоқлар маърай бошлади. Деҳқон даласига отланди.

Айнан шу кунларда кўҳна Самарқанднинг файзи янада ўзгача. Вилоят ҳокимлигининг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали ҳамда оммавий равишда ўтказиш чора-тадбирларида бажариладиган ишлар кўлами белгилаб берилди. Унга кўра байрамнинг асосий шодиёналари шаҳарнинг марказий маданият ва истироҳат боғидаги «Мароқанд» концерт мажмуасида ўтказилади. Мажмуа ўтган йили тўлиқ қайта таъмирланиб, икки баравар кенгайтирилди. Маҳаллаларда, истироҳат боғларида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Обод маҳалла йили» муносабати билан маҳаллалардаги гўзал фазилатларни, мустақилликнинг ўн икки йиллигини, ободончилик ва тинчлик-тотувликни, миллий урф-одатлар ва қадриятларни, болалар спортини ривожлантириш ишини тараннум этувчи, баркамол, соғлом ёш авлодни тарбияловчи юксак бадиий дастур яратиш борасида танловлар ташкил этилаётгани ҳам Наврўз шукуҳига шукуҳ қўшаяпти.

— Байрам тадбирлари орқали ёшлар онгига азалий миллий урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди, кексаларни улуғлаш каби туйғулар сингдирилади, — дейди «Наврўз» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи Акрам Тожибоев. — Ва шу билан биргаликда меҳр-мурувват, савоб ишлар одатагидан кўпаяди. Масалан, ўтган йили жамғармамиз томонидан вилоятдаги уруш ва меҳнат фахрийлари, болаликдан ногиронлар, қариялар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар, табиий офатдан зарар кўрганларга 3 миллион 874 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Яна юз билан юзлашган 47 нафар нуронийга «Наврўз-2002» совғалари топширилди. Бу йилги савоб ишларнинг кўлами жуда катта.

Қисқаси, самарқандликлар Наврўз нафаси билан яшамоқдалар. Одамлар, кундан-кунга гўзаллашиб, чирой очиб бораётган кўчалар, маҳаллалар, неча асрлар гувоҳи бўлмиш тарихий обидалар Наврўзга муштоқ.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Нодавлат ташкилотларида

# «Ижтимоий фикр» одамлар орасида

Айни вақтда дунё миқёсида 4000 дан ортиқ йирик нодавлат ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, улар коорпорация, ташкилот, уюшма шаклида нафақат ўз давлати, балки дунё тараққиётига муносиб улушини қўшиб келмоқда. Мана, айтайлик, жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида биргина Америка Қўшма Штатларида 200 мингдан ортиқ киши нодавлат йўналишда фаолият юритади. Лекин шуни ҳам назарда тутиш зарурки, Америкадек улкан мамлакатда нодавлат ташкилотлари ўзининг бугунги босқичига етгунча бир неча ўн йиллаб вақт ва тажриба мактабини ўташига тўғри келган. Аммо ҳозир кечаётган воқеа-ҳодисалар жараёни анчайин шиддатли ва тез.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш эндигина фаол шаклланиш босқичига кирди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганувчи нодавлат ташкилотнинг ўрни ва мавқеи бугун нималарда акс этмоқда? Унинг жамиятдаги нуфузини ошириш учун яна нималар қилиш лозим? Қуйида биз шу саволларга жавоб излашга уриниб кўрамиз.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказ ташкил топганига беш ярим йил бўлди. Уни ташкил этишдан мақсад Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришдан иборат эди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил этиш, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идоралари қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш марказнинг муҳим вазифалари этиб белгиланди.

Маълумки, жамоатчилик фикри мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотларни ўзида акс эттиради ва одамларнинг ана шу жараёнларга бўлган реал муносабатини аниқлаб беради. Шу боисдан жамоатчилик фикри, Юртбошимиз айтганларидек, бир томондан, ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятининг узвий ҳамда зарурий жиҳати тарзида кўринса, иккинчи томондан, ўзгаришларга нисбатан аҳоли турли табақаларини аввалдан мақсадли руҳий-сиёсий тайёрлаб боришдек жуда фойдали жиҳатни ҳам ўзида акс эттиради.

Марказда ўтган беш йил мобайнида 110 та махсус социологик сўровлар ўтказилиб, уларга 6000 маҳалла, 3000 қишлоқ фуқаролар йиғини жалб этилди. Шунингдек, ўзбек халқининг менталитети, этник қатламини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг муҳим назарий-амалий асослари ишлаб чиқилди. Буни амалга оширишда марказнинг 23 нафар ходими 46 нафар етук олим ва мутахассислар кўмагидан фойдаланди. 100дан ортиқ интервьюерлар шартнома асосида социологик сўровлар ўтказишда иштирок этди.

Амалий социологик тадқиқотларнинг буюртмачилари қаторида маҳаллий ҳокимиятлардан тортиб, турли институтлар, вилоят ҳокимликлари, диний идоралар, давлатнинг нуфузли муассасаларигача бор. Германиянинг Фридрих Эберт номли жамғармаси ҳам буюртмачи, ҳам ҳамкор сифатида қайд этилган. Мана, масалан, «Ўзбекистонликларнинг ижтимоий қиёфаси» мавзуида 1533 респондентдан йиғилган сўров натижалари ўтган йили Ф.Эберт жамғармаси буюртмасига кўра жўнатилган. Ёки 4565 респодентдан йиғилган «Студент ва стипендия» номли мақсадли тадқиқотлар республика Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигига юборилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 56 нафар судьяларидан жамланган «Судьянинг ижтимоий ва касбий қиёфаси» сўровлари, республиканинг турли ҳудудларидаги 211 та тадбиркор ва маҳаллий идора раҳбарларидан сўралган «Тадбиркор ва маҳаллий бошқарув органлари» сингари 12 турдаги мақсадли социологик тадқиқотлар йиғилди ва талабгор мутасаддиларга жўнатилди. Ёки айтайлик, республика матбуоти фаолиятини қамраган 10 хил турдаги социологик тадқиқотлар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг бугун ҳаётимизнинг энг қизғин, энг қайноқ соҳаларига кириб бораётганидан далолат беради.

Марказ қошида ташкил этилган Республика илмий-услубий кенгаши юртимизнинг энг нуфузли социолог, демограф, сиёсатшунос, файласуф, иқтисодчи олимлари, мутахассисларини бирлаштиради. Социологик тадқиқотларнинг илмий-услубий хусусиятларини ўрганади. Хулосаларга таяниб, қўлланмалар яратади.

«Ижтимоий фикр» маркази юртимизда фаолият юритаётган нодавлат ва давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот институтлари, давлат бошқарув органлари, диний муассасаларнинг вакиллари билан ҳамкорликда ҳаётимиздаги энг долзарб масалалар юзасидан конференция, симпозиум, илмий-амалий семинарлар уюштиради. «Ўзбекистонда демографик тараққиётнинг муҳим муаммолари», «Ўзбекистонда соғлом авлодни шакллантириш масалалари», «Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида аёл мавқеи», «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва такомиллаштиришнинг муҳим муаммолари»га бағишланган анжуманларда табиийки, мутахассис ва олимлар турли фикр ва қарашларни ўртага ташлашади. Ҳақиқат эса баҳсларда аён бўлади. Мақсад битта, унга олиб борувчи йўллар турлича. Турли йўллардаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга кўмаклашувчи халқаро ташкилот бор. ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган (1994) МОСТ дастурига мувофиқ юртимизда 1999 йили тузилган Миллий мувофиқлаштирувчи қўмита ана шундай ташкилотдир. Дунё аҳамиятига молик муаммоларни ҳал этишда ўзбекистонлик олимларни жалб этиш ҳамда давлат ва нодавлат секторларни, ҳокимият мутасаддилари, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ўзаро бирлаштирган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқарувчи бу нуфузли ташкилот билан «Ижтимоий фикр» марказининг ҳамкорлиги охирги йилларда кучайди. Бу борада ҳамкорликда амалга оширилган «Марказий Осиё давлатлари ёшларининг ижтимоий мослашуви» номли социологик тадқиқот анчайин аҳамият касб этди. Сўровлар бизнинг ёшларимиз ватанпарварлик, садоқат, фидойилик туйғуларини юксак англашларини ва амал қилишларини намоён этди.

Социологик тадқиқотлар мунтазам ва маромида боряпти. Ҳар чоракда марказнинг «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали чоп этилиб турибди. «Ижтимоий фикр» маркази ҳаётимизнинг турли жабҳаларига аралашиб, давлатни бошқаришда тобора ўз улушини қўшиб бормоқда.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# «Колумбия» ҳалокатга учради

Шанба куни эрталаб АҚШнинг «Колумбия» космик кемаси портлаб кетди. У 16 кунлик учишдан сўнг ерга қайтаётганди. «Си-эн-эн» телеканалининг хабар беришича, кема 64 километр баландликда парчаланиб кетган. Унинг ёниб ерга тушган бўлакларини одамлар ҳам кўрган.

Хабарларга қараганда, маҳаллий вақт билан соат тўққизларда кема билан алоқа узилган. Бу пайтда унинг ерга қўнишига яна 16 дақиқа қолганди. Кема овоз тезлигидан 18 марта катта тезликда учиб келаётган эди.

NASAнинг юқори мартабали вакиллари матбуот конференциясида таъкидлашича, портлашдан етти дақиқа олдин «Колумбия»да муамммолар пайдо бўлгани аниқланган. Кемадаги ҳарорат ва босимни қайд қилувчи аппаратлар ишламай қолган. Кейин чап шасседа босим тушиб кетган ва кема корпуси тезлик билан қизий бошлаган. Бу муаммолар кема командири билан муҳокама қилинаётган пайтда портлаш содир бўлган.

«Колумбия»да еттита астронавт бор эди. Кема командири Рик Хэзбенд асли техаслик, ёши 45 да. Бу унинг тўртинчи парвози эди.

Майкл Андерсон Вашингтон штатида туғилган. 43 ёшли бу инсон биринчи қора танли астронавт эди. У 1998 йилда «Мир» станциясида космосга парвоз қилганди.

Кема бошқарувчиси Уилям Маккула 1996 йилдан буён астронавтлар отряди аъзоси эди.

Дэвид Брауаннинг асли касби врачлик. У илгари турли ҳарбий самолётларда учган. 1996 йилдан буён астронавтлар отряди аъзоси эди.

Кемада бир чет эл фуқароси ҳам парвоз қилганди. Исроиллик Илан Рамон 1997 йилдан буён NASA да тайёргарликдан ўтаётганди. 48 ёшли астронавтнинг 4 та фарзанди етим қолди.

«Колумбия»да иккита аёл ҳам бор эди. 41 ёшли Калпана Чавла 1980 йилда Ҳиндистондан АҚШга келганди. Иккинчи аёл астронавт Лорел Кларк илгари турли сувости кемаларида хизмат қилган. 41 ёшли



бу аёлнинг 8 яшар ўғли бор эди.

АҚШ космик кемасининг ҳалокати ҳақидаги хабар бутун дунёда қайғу билан кутиб олинди. Президент Ж. Буш қисқа мурожаат билан чиқди. У ҳалок бўлган астронавтларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди. Мамлакатда мотам эълон қилиниб, давлат байроқлари тушириб қўйилди.

«Колумбия» кўп марта фойдаланиладиган кемаларнинг энг эскиси ҳисобланади. Кейинги 22 йилда «шатл»лар 113 марта космосга парвоз қилди. Бу сўнгги парвоз «Колумбия»нинг космосга 28-чиқиши эди. Маълумки, у 1981 йилда биринчи марта синаб кўрилганди.

«Колумбия»нинг портлаши NASA тарихидаги иккинчи ҳалокатдир. 1986 йилда «Челленжер» кемаси учаётган пайтда портлаб кетганди.

Ҳалокат сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Уни ўрганиш бўйича АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг истеъфодаги адмирали Горальд Геман бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Бу ҳақда «Фокс» телекомпаниясига NASA директори Жон О Киф хабар берган. Кўп марта фойдаланиладиган кемалар парвози бўйича дастур раҳбари Рон Диттморнинг гапига қараганда, «Колумбия»нинг ҳалокати сабаблари аниқламагунча биронта ҳам парвоз амалга оширилмайди.

NASA шу йилнинг март ойида икки астронавт ва бир Россия космонавти иш олиб бораётган халқаро космик станцияга кема юборишни режалаштирган эди. Энди бу кеманинг учиши номаълум бўлиб қолди. Шу муносабат билан Диттмор, халқаро космик станциядагиларда июнгача етадиган запаслар борлигини маълум қилди. Унинг гапига қараганда, Россия станцияга ўзининг «Союз» юк кемасини учиришни режалаштирмоқда.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ тайёрлади.**

## Қирғизистонда референдум

**Қирғизистонда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида 83 фоиз аҳоли иштирок этди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясидан хабар беришларича, рўйхатга киритилган 2,5 миллион сайловчидан 2 миллиондан зиёди референдумда қатнашган.**

**Қирғизистон аҳолиси мамлакат президенти Асқар Акаев ташаббуси билан асосий қонунга ўзгартишлар киритиш ҳамда амалдаги президент ваколатини янги сайлов муддатигача, яъни 2005 йилнинг декабрь ойигача давом эттиришга ўз муносабатларини билдиришди.**

## Президентликни тарк этди

**Вацлав Гавел Чехия президенти лавозимини тарк этди. Шу билан унинг иккинчи беш йиллик ваколати тугади. Гавел 1989 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Чехославакияга, кейинчалик Чехияга раҳбарлик қилди.**

**«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига кўра, сўровномаларда аҳоли собиқ президентни энг обрўли сиёсатчилардан бири эканлигини эътироф этган.**

**Президент ваколатини янги давлат раҳбари сайлангунча республика Бош вазири Владимир Шпидла ва парламентнинг қуйи палатаси раиси Любомир Заоралек бажариб туради.**


ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ
БУХОРО, ВОБКЕНТ, ҒИЖДУВОНДА






БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS — (ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

VMS — (ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ

(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган), 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови (АҚШ долларида) | Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) | Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2,0 | 0.08 | 0.10 |
| Престиж | 125,0 | Бепул | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

UZDUNROBITA
first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").

www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104



Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллигига

# У жаҳонни қалам билан забт этур

## Навоий ижодини оламшумул аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганиш муаммоси

Ҳар бир шоир ижодининг аҳамияти унинг миллат ва жаҳон миқёсидаги ижтимоий ва бадиий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Буюк шоирнинг буюклиги унинг ижодини жаҳон контекстида (унинг оламшумул аҳамияти нуқтаи назаридан) ўрганиш орқали тайинланади. Алишер Навоий — IX-XVI асрларда Шарқ уйғониш (Ренессанс) даври даҳоларидан бири. У ижоди қадимги Греция маданияти ҳамда Шарқ маданий алоқаларидан озиқланган кучли истеъдоддир. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Исмоил Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек номлари билан алоқадор бўлган буюк адабий-маданий, маънавий-илмий кўтарилишнинг заҳматкаш вориси.

Навоий, универсализм намояндаси, ўрта асрларнинг қомусий илмга эга бўлган, кўп қиррали фаолият вакилидир. У маданияти гуллаган, ривожланган феодализм даври кишиси, ўз замонининг пешқадам мутафаккиригина эмас, балки "улуғ амири", улкан давлат арбоби ҳам эди. Навоий "Мен хоҳлайманки" деган форсий шеърида ўз даврини ислоҳ қилиш керак деб билди. Бу ислоҳот инсон ва халқни улуғлашга суянар эди. У давлат тепасида тили ва дили бир бўлган, олий руҳли, аммо камтарин киши туриши лозим деб билди. Баҳоуддин Нақшбанднинг қўлинг ишда, дилинг худода бўлсин, деган ғоясини маъқуллади ва ўз ижодига шу тамойилни асос қилиб олди. У ўз асарларида мажозий ишқ кучайтирилган тасаввуфни танлади, кўз ёшисиз, ғам-аламсиз жамият бўлишини истади. Алишер Навоийнинг бу ижтимоий тафаккури унинг бадиий тафаккурига пойдевор эди. Шу сабабли у ўз ижодида романтизм билан реализмни пайванд қилди. Навоий реализмини унинг фалсафий қараши бўлган тасаввуфнинг ҳаётга яқинлиги тайинлади. У бадиий, тарихий, илмий, фалсафий, адабий-танқидий асарлари жиҳатидан мислсиз, бу унинг жаҳон адабиёти олтин жамғармасига қўшган бебаҳо даҳодир. Ўзбек адабиётида эпос етишмасди. Навоий бир ўзи бу катта вазифани бажарди, шунинг учун ҳам у даҳодир. Навоий ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тили асосчиси. У туркийда жаҳоншумул адабиёт яратди. Унинг марказида чуқур гуманизм туради ва Оврупо, жаҳон халқлари адабиёти гуманизми билан боғлангандир.

Мирза Ҳайдар "Тарихи Рашидий" асарида Навоий ҳақида "ундан аввал ва ундан кейин ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан кўпроқ ва ундан юксакроқ айтмаган" дейди. Замондоши Хондамир Навоий тўғрисида бундай деган: "Хитой ва Хўтан мамлакатларининг чегараларидан бошлаб, то Рум ва Ғарб мамлакатларининг охиригача шоҳ ва гадо, ёш ва қари оғзида ул ҳазратнинг гўзал назмлари мазкур ва бутун халқ оммаси ва айрим табақаларнинг кўнгил саҳифаларида ва қалб лавҳларида муборак шеърлари нақшлангандир". Навоий жаҳон кишиси, унинг ижоди жаҳонгирликка лойиқ, ўзбек адабиётининг энг юқори чўққисидир. Чунки у ўз даврининг комил инсон дастурини яратди, унингча, инсон мисоли йўқ мавжудотдир.

Алишер Навоийни дунё миқёсида ўрганиш илгари бошланган. Манбаларда у Леонардо да Винчи, Данте, Жордано Брунолар билан қиёсланган. Эндиги вазифа Алишер Навоий ижодини дунё миқёсида ўрганишни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир. Миллат ўз буюк шоирини ер юзидаги шоирларга қиёсан қарайди. Ҳар қандай миллий шоирнинг, шу жумладан, Навоийнинг ҳам, миллий ўзига хослиги жаҳон адабиёти равнақига улуш бўлиб қўшилади.

Манбалардан маълум бўляптики, Христофор Табризий Италияда XVI асрда Навоий ҳақида асар ёзган. Навоийшунослик хорижда XVIII-XIX асрларда анча жонланган. Парижда 1841 йили босилган "Шарқий турк адабиёти хрестоматияси"да Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Тарихи мулуки ажам" асарлари матни келтирилган. М.Никитский "Амир Низомиддин Алишер, унинг адабий ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг аҳамияти" деган магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган. Француз олими М.Белин 1861 йили "Осиё" журналида "Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида" монографик асарини бостирди. У 1861 йили Парижда Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари таржимасини чоп эттирган. Рус тилида 1926 йили "Мир Алишер" номли илмий тўплам босилди. 1940 йили А.Семёнов "Мир Алишер Навоий" мақоласини ёзди. Академик В.Бартольд "Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт" асарини яратди. 1946 йили "Алишер Навоий" тўплами юзага келди. 1966 йили Венгрияда "Фарҳод ва Ширин" шу халқ тилида босилди. Бу достон грузин ва тожик, инглиз тилларига ҳам таржима қилинган. Христофор Табризий, М.Никитский, М.Белин ва В.Бартольдларнинг Навоий ҳақидаги бу асарлари ҳанузгача ўзбек тилига таржима қилинмаганлиги таажжубланарлидир.

Ўзимизда беш жилдлик "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг иккинчи жилди Навоийга бағишланди. Иззат Султон 1969 йили "Навоийнинг қалб дафтари" монографиясини эълон қилди. Ойбек, Мақсуд Шайхзодаларнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотлари кўпчиликка манзур. "Навоий асарлари луғати", "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати", "Хамса"нинг насрий баёни юзага келди. С.Ғаниева Навоий дастхатини топди. Навоий қомуси ёзилди (ҳали босилмаган). Навоийнинг 10 жилдлик асарлари рус тилига таржима этилди. Ҳозирги кунда академик Н.Конраднинг "Ўрта Шарқ Уйғониши ва Алишер Навоий", академик В.Жирмунскийнинг "Алишер Навоий ва Шарқ адабиётида Ренессанс муаммоси", Ғ.Каримовнинг "Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари", Ҳамид Сулаймоннинг "Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида" каби кучли, савияли мақолалар кам ёзилмоқда.

1960 йили Москвада университет ва пединститутлар учун "Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётлари тарихи" тайёрланди. Бу дарсликнинг Х.Г.Кўрўғли томонидан ёзилган туркман адабиёти қисмида очиқдан-очиқ Навоий "Низомийнинг тақлидчиси" дейилган. Кўрўғли бу фикрини ўзининг "Ўзбек адабиёти" китобида ҳам такрорлаган, бир ўринда тақлидчи деса, бошқа ўринда "жавоб ёзди", дейди. Бунга 40 йил вақт ўтиб, бирон киши лом-мим демади. Навоий ёзган "Хамса" тақлид эмас, балки татаббудир (бировнинг "изидан бориш"дир). Татаббу алоҳида ва мустақил адабий жанрдир, йирик шоирларнинг ўзаро, ким ўзарга асосланган адабий мусобақасидир.

Академик В.Абдуллаев татаббунинг бошқа номи бўлган "Назира" ҳақида гапириб, уни учга ажратади: назира — тақлид, назира — жавоб, назираи беназир. У "Навоий ва назира" мақоласида Навоий "Хамса"сини назиранинг учинчи турига киритган. Э.Шодиев ва С.Эркиновларча, Навоий "Хамса"си жавоб тариқасида ёзилган. Кўриниб турибдики, фикрлар ўзимизда ҳам турличадир.

Абдураҳмон Жомий "Баҳористон" асарида форсийда Низомий, туркийда Навоий "Хамса"си юксак ва машҳур деб айтган эди. Иззат Султон бир мақоласида "Хамса"ни "жаҳон адабиётининг нодир обидаси" деган. "Хамса"ни беш хазина деб аташлари бежиз эмас. Аммо ҳанузгача татаббуни фақат мусулмон Шарқи материаллари асосидагина эмас, балки жаҳон адабиёти материаллари асосида ҳам, унинг тарихи ва поэтикасини илмий жиҳатдан махсус, кенг, қиёсий, чуқур ва атрофлича далиллаб берилмади. Шунинг учун Кўрўғлининг фикрига ўхшаш асоссиз қарашлар келиб чиқмоқда. Бунга жаҳон шарқшунослари ва ўзбек навоийшунослари узил-кесил илмий жавоб берадиган вақт аллақачон келган.

Эргашиш (татаббу, назира) мустақил ва оригинал бадиий жанрдир, аммо баъзилар айтганидек, таржима эмас. У шаклан хилма-хилдир.

Мамлакатлар ўзаро алоқада яшайди. Бир-биридан ўрганади, ният-мақсадларида умумийликлар кўпаяди. Айниқса, дини бир хил ёки ҳудуди қўшни мамлакатларда бу хусусият янада кучаяди. Бу умумийлик тасвирда ўзаро яқинликни ҳосил қилиши мумкин. Дунё халқлари ўртасида ижтимоий, маданий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий алоқаларнинг кучайиши уларнинг адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайишига олиб келади. Дунё халқлари адабиётларини тадқиқ этишда ҳам халқаро ҳамкорлик зарур бўлади, бу табиийдир.

Миллий ҳаёт ҳаққоний, тўла ўлмас, бетакрор қаҳрамонлар характери орқали юксак бадиий акс этган реалистик асаргина умуминсоний бўлади. Ва дунё учун намунага айланади. Чунки инсонийлик умумийликдир ва у шу орқали умумбашарий бўлиб қолади.

Татаббу жанрининг жаҳон адабиётидаги ўрнини, унинг тарихи ва назариясини дунёнинг машҳур адабиётшунос, шарқшунос ва туркшунослари иштирокида ёзилса, яхшироқ бўларди.

Даҳо ёзувчи ҳеч қачон фақат ўз халқи бойлиги бўлиб қололмайди. Навоийни дунё миқёсида ўрганиш ва ундан жаҳон халқларининг маънавий наф ва эстетик завқ олиши учун шароит яратиш даркор бўлиб турибди. Контекст нутқ ёки асар ёки ижоднинг тугал фикр англатувчи асосий парчасидир. Жаҳон контекстида ўрганиш жаҳон сатҳига солиштириб, асл моҳиятни теранроқ англашдир. Бироқ зўр, бадиий юксак асар, у асар оламшумул бўлса, фақат миллий қобиқда, маҳаллий мезон ва андозалар билан ўрганиш ва баҳолашда ўзининг ҳақиқий аҳамиятини тўла топа олмаслиги мумкин. Унинг чин ва асл моҳияти ҳам умуминсонийлик асосидагина, жаҳон контекстидагина, жаҳон нуқтаи назаридангина, қиёсан мукаммал, тўла англашилади, шундагина унинг кўз илғамас қирралари кўринади. Шунда Навоий ижодигина эмас, балки навоийшунослик ҳам жаҳон миқёсида янгидан иш кўради.

Келгусида Навоийни жаҳон контекстида кенгроқ ўрганишга ўтиш уфқлари қандай? Аввало, Навоийшунослик тарихини ёзиш, унинг ютуқлари ва камчиликларини аниқлаш керак. Навоийшунослар гуруҳи инглиз, немис, француз, япон, хитой, ҳинд ва бошқа тилларни биладиган истеъдодли кишилар билан тўлдирилиши лозим. Қолаверса, бизда чет эл адабиёти ўрта ва олий мактабларда пухта ўргатилади. "Антик адабиёт тарихи" фани қадимги юнон ва рим адабиётидан сабоқ беради. Жаҳондаги катта мамлакатларнинг ўрта ва олий мактабларида ўзбек адабиётини, ақалли бизнинг буюк Алишер Навоийимизни ўрганишадими? ЮНЕСКОда Навоий ижодига бағишланган, илмий конференция ўтказишга эришиш керак, деб ўйлаймиз. Унда ўз навоийшуносларимиз билан бирга жаҳоннинг машҳур туркшунос ва шарқшунослари иштирокини таъминлаш муҳимдир. Берлинда Навоийга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Лондон, Париж, Токио, Нью-Йорк, Деҳли, Теҳрон каби шаҳарларда ҳам навоийхонлик кечалари ўтказилса яхши бўлар эди. Бир йилда бир жойда бундай кечани ўтказишнинг ўзи ҳам катта воқеа бўлиб қолади. Албатта, бундай кечаларнинг ҳар бири йил бўйи жиддий тайёрланишни талаб қилади. Чет тилида Навоийнинг энг ками битта асарини, бирон рисолани бостириш муҳим, бу соҳада элчихоналардан фойдаланиш керак. "Навоий қомуси"ни келгусида ўзбек тилидагина эмас, балки араб, форс, ҳинд, япон, немис, инглиз, француз тилларида ҳам босиб чиқариш ўзбек халқи учун ширин орзу бўла олади. Бу юмушларнинг бажарилишини бирон ташкилотга юклаб қўйиш билан бирга, у билан жиддий шуғулланилса, тегишли ташкилотлар томонидан назорат остига олинса, муайян яхши натижаларга эришиш мумкин.

XXI аср буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг жаҳон мамлакатлари бўйлаб юриш даври, уларни қалам билан забт этиш асри бўлади. Шунда Навоий ўз халқини жаҳон халқларига, дунё ҳамжамиятига янада кўпроқ яқинлаштиради. Шунда ўзбек миллий бадиий тафаккури яна бир оламшумул зафарга эришади. Ўзбекистон ўзининг жаҳон тараққиёти тиргакларидан, ўзининг дунё маданияти равнақи марказларидан бири эканлигини намойиш этади.

**Уммат ТЎЙЧИЕВ,**
**филология фанлари доктори.**




### Чаққон Гонсалес туфайли...

*Швейцариянинг «Swiss International Airlines» авиакомпаниясига қарашли самолёт Цюрихда сичқон туфайли бир кеча-кундуздан зиёд ушлаб*



*қолинди. Чаққон Гонсалес исмли мексикалик сичқонча Бостондан Цюрихга олиб келинаётганда махсус уйчадан чиқиб кетган. У Швейцария лабораторияларидан бирига келтирилаётган эди. Компания раҳбарияти Гонсалес самолётдаги симларни ғажиб ташлашидан хавотирланиб кемирувчини излашган. Лекин авиакомпания ходимининг айтишича, ҳамма ҳаракатлар беҳуда кетди.*

### Башоратчи суғур

*АҚШнинг Панксатони шаҳрида кўплаб томошабин ва журналистлар олдида об-ҳавони башорат қилувчи Фил исмли суғур ўз соясини*



*ни кўрди. Бу билан у яна қиш камида олти ҳафта давом этишини билдирди. Ушбу одат 1887 йилдан буён 2 февраль куни ўтказилади, деб хабар беради «Лента ру». Агар суғур ўз соясини кўрмаганда, америкаликлар баҳор эрта келишига умид боғлашлари мумкин эди.*

### 26 соат навбат кутиб

*Англиялик профессор 92 кун ичида 2000 марта навбатда турди.*

*Профессор Дэвид Стюарт-Дэвид навбатда туриш ва улардан олинган маълумотларни ишлаб чиқиш учун тўрт*



*йил сарф қилди. Олимнинг хулосасига кўра, англияликлар навбатда туришни ёқтиришмас экан. Бу эса бошланғич фикрга мутлақо зид бўлиб чиқди.*

*«Мен вокзал, аэропорт, супермаркет ва бошқа жойларда навбатда туриб, одамларнинг тоқатини ўрганиб чиқдим. Бир марта паспорт столида 26 соат навбатда турдим» — деб ёзади профессор.*

*Унинг тадқиқотларидан олинган хулосага кўра, навбатда туриш об-ҳаво ва одамларнинг қайси тоифага мансублигига боғлиқ. Тажрибада аниқланишича, англияликларнинг кўпчилиги ўртача тўрт дақиқа навбатда туришга чидай олишаркан, ундан кейин юраги сиқилиб, навбатни тарк эта бошлашади.*

**С. ДОНИЁРОВ**
**тайёрлади.**

Спорт

### Бир ҳафтада икки мусобақа

2-8 февраль кунлари Фарғонада бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтади. Фарғона вилояти бокс федерациясидан олинган маълумотларга кўра, рингга 1985-86 йилларда туғилган ёшлар чиқади. 200 га яқин чарм қўлқопчилар 12 вазн тоифасида баҳс олиб борадилар.

Айнан шу кунларда катта ёшдаги боксчиларимиз ҳам Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этиладиган халқаро турнирда иштирок этишади. Ушбу мусобақада мураббийлар терма жамоага жалб қилинган янги номзодларни синовдан ўтказишни режалаштирган. Бу Россиядаги баҳсларга жўнаб кетган таркибдан ҳам кўриниб турибди. Ўтган йили Кубада бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ғолиби Баҳодир Султонов (54 кг.), 91 кг.дан ортиқ вазнда бронза медални қўлга киритган Жасур Матчонов каби иқтидор эгалари Санкт- Петербург рингида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

2002 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий мажлис Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар залида 2003 йил 4 март куни соат 15.00да бўлиб ўтади. Акциядорлар шу куни соат 14.00да ҳокимлик биносида рўйхатга олинадилар.

КУН ТАРТИБИ:
1. «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар микдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
9. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар | 1437347,9 | Устав капитали | 67000,0 |
| Капитал қўйилмалар | 10882,6 | Қўйилган капитал | 3082,0 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 5188,3 | Резерв капитали | 17536,8 |
| Товарлар | 15099,7 | Тақсимланмаган фойда | 47844,2 |
| Пул маблағи | 28341,6 | Мақсадли тушумлар ва фойдалар | 1376748,3 |
| Дебиторлар | 46744,4 | Қисқа муддатли қарзлар | — |
| | | Кредиторлар | 31393,2 |
| | | ЖАМИ: | 1543604,5 |
| ЖАМИ: | 1543604,5 | Соф фойда | 80152,5 |

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

"ASIAN COMMUNICATION TRANSPORT INVEST COMPANY" ҚК
РАДИОСТАНЦИЯЛАР, РАДИО АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА МИНИ-АТСЛАРНИ
Тошкентдаги омбордан ва "буюртма бўйича"
ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ, ЙИҒАМИЗ ва СОЗЛАЙМИЗ.





Лиц. АА 0000083
Тел.: (998-712) 53-02-76. Факс: (998-712) 53-31-76.
E-mail: kvant@fps.uz

Барча хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қарори билан баҳоловчи фаолият турларини лицензиялаш органи деб белгиланган. Ҳозирги кунда қўмита ҳузурида тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан республика ҳудудида баҳоловчи сифатида фаолият кўрсатиб келаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорларни аниқлаш, улар фаолиятини лицензиялаш, мутахассисларини аттестациядан ўтказишга тайёргарлик кўриш ишлари олиб борилмоқда.

Юқоридагиларга асосан Давлат мулки қўмитаси баҳоловчи сифатида фаолият кўрсатиб келаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорларни амалга оширилаётган фаолияти тўғрисида қўмита ҳузуридаги хусусийлаштиришга кўмаклашувчи гуруҳга тегишли маълумот тақдим этишини сўрайди.

Маълумот учун телефонлар: 139-21-58, 139-28-87.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Масъул ходим: Исломов Одилжон.

"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:






ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПКИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ
- Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
- Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм)
- Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металлочерепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4,5 кг. Том анжомларини барчаси Ғарб ускуналарида чет эл хом ашёсидан тайёрланади.

ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТТИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 ммлик пўлатдан ясалган.

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ
"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитта метал ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.

ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, ғаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ-1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.
"ТЕЗИНТОМ" қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли камайтирилган
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28


Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей жамоаси лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Гўзал Аҳмедовага отаси
**Ҳасанхўжа ХОНКЕЛДИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» жамоаси банкнинг Амалиётлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шамсиддин Ибратовга акаси
**УСТЕМИР аканинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ваа ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти «Бағдод» телевидениеси ижодий жамоаси Жиззах вилояти прокурори Равшан Муҳиддиновга падари бузруквори
**Абдулатиф ота МУҲИДДИНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 169. 35313 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6